

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 27-noyabr, chorshanba № 92-93 (15731)

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 26 ноябрь куни «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти, шарт-шароитлари билан танишди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Бугунги кунда ўзбек автомобиллари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатларда, жумладан, Туркменистонда ҳам харидордир.

Дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган «GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto — Uzbekistan» сингари корхоналарда энгил ва юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

«General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасининг ташкил қилиниши автомобилсозлигимиз ривожига янги даврни бошлаб берди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамизда автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона заводдир. Бундай ноёб ва мураккаб ишлаб чиқариш корхоналари дунёнинг санокли мамлакатидоғина мавжуд.

Корхона алюминий эритиш ва қуйиш, термик ишлов бериш, цилиндр блоклар, тирсақли валга ишлов бериш ускуналари, уларни автоматик йиғиш линиялари, шунингдек, назорат-ўлчов машиналарини ўз ичига олган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Бу ердаги технологик жараён ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини мунтазам назорат қилиб бориш имконини беради, айти пайтда экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам жаҳон стандартларига тўла мосдир. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланмоқда.


Мазкур завод «General Motors»нинг қуйиш ва йиғув цехлари бир жойда жойлашган дастлабки корхонасидир. Корхона ускуналар билан жиҳозланиши, технологик операцияни назорат қилиш тизими, эргономик ва экологик стандартларга мувофиқлиги бўйича энг замонавий ҳисобланади. Ўрнатилган регенерация тизими ишлаб чиқаришнинг ёпиқ циклини таъминлаш имконини бераётир.

Туркменистон Президенти мамлакатимиз автомобиль саноати ривожигаги улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудида кўргазмага қўйилган, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий энгил автомобиллар, юк машиналари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси билан танишди. Туркменистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобиллар ва бошқа техника турининг кўплигига, уларнинг сифати ва дизайнига юксак баҳо берди. Гурбангули Бердимухамедовда «GM Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан янги ўзлаштирилган «Chevrolet Orlando» оилавий минивэни катта таассурот қолдирди. 2014 йилнинг биринчи чорагидан мазкур минивэнни кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди. Шубҳа йўқки, ушбу ташриф ва унинг натижалари Ўзбекистон ва Туркменистоннинг вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларига янги суръат бахш этади.

Номира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири



Сардор Муллахонов фотоколлажи

Obod turmush manzaralari

ЯРАТУВЧАНЛИК ҚУДРАТИ

Очерк

«... Шаҳарнинг қоқ ўртасида катта бўлганман, — хотиралари жонланади узоқ йиллар транспорт соҳасида ишлаган Ваққосхон ака Бердиевнинг. — Ростини гапирадиган бўлсам, авваллари бепарвороқ, эринчороқ ҳам эдик. Гувала кесакдан тикланган уйимизнинг пастқамлиги-ю, лой тоmidан чакки ўтавериб ҳилвираб қолганига ҳам эътиборсиз, остонамизни ёнлаб ўтган ариқчаларда сув оқмай қўйганига юрагимиз кўпам жизиллайвермайдиган бўлиб қолган эдик. Энди-чи? Мустақилликка эришганимиздан кейингина мудроқ босган кўзларимиз «ярқ» этиб очилди. Яратувчилик ишларига руҳлантирди. Ҳадиклар ўрнини эртанги ёруғ кунларга комил ишонч эгаллади...»

Газетанинг навбатдаги сони учун Андижон вилоятдан тайёрланган мақолада фикрлар содда ва самимий, жайдари тилда ифодалангани учун ушбу жумлаларга қалам уришга қўлим бормади. Аксинча, ҳақиқатан ҳам шундай эмасмидик, деган фикр уйғонди. Ростда, қора қозонни қайнатишгагина қурбимиз зўрға етарди, холос. Ота-оналаримизнинг

битта сигирини иккита қилолмай, берган бир қошиқ сутига кўз тикиб ўтказган кунларимиз ортда қолганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ.

Шундай ўй-хаёллар таъсирида ўрнимдан туриб, хона деразасига ёндашдим. Таҳририят юқори қаватдалиги сабаб деразадан Тошкентнинг Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманлари ҳудуди яққол кўзга таш-

ланади. Олисларга тикиламан. Куз осмони тип-тиник. Ундабунда тўп-тўп пахта хирмонлари каби паға-паға булутлар сузиб юрибди. Дарахтларнинг барглари ҳам сарғая бошлабди. Кечагина баҳор эди. Худди шу ердан олисларга боққанимда ёмғир шовуллаб, кўнгилдаги ҳисларимни жўш урдириб ёғмаётганмиди?! Бугун эса, ҳазонрезги. Беихтиёр ўшанда қоғозга туширган шеъримнинг узук-юлуқ мисралари яна ёдимга тушди:

Тўлин куз, тўлиним,
Бўлинди хаёлим.
Мен сени суймасам,
Баҳорни кўмасам,
Нетаи...

Яна пойтахт манзаралари ихтиёримни олади. Шаҳарни шундай, баландроқ жойдан туриб кузатиш кўнгилга ҳузур бағишлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Ta'lim taraqqiyoti

Олтмишта энг яхши ўқув адабиёти

Пойтахтимизда йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифлари аниқланди

Шу номдаги танлов юртимизда 1998 йилдан буён Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги қарорига мувофиқ, «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танлови ғолибларига илмий даража ва илмий унвон бериш имтиёзи белгиланган. Айтиш керак, ўтган давр мобайнида мазкур танлов орқали янги авлод ўқув адабиётларини яратиш салоҳиятига эга муаллифлар жамоаси шаклланди.

Бу йилги танловга жами 186 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар тақдим этилди. Олтмиштаси ғолиб деб топилди. Шундан 20 таси биринчи, 21 таси иккинчи ва 19 таси учинчи ўринга сазовор бўлди.

— «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш» номли дарслигимиз танловда биринчи ўринга муносиб топилганидан хурсандман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси кафедра мудирини Наргиза Қўзиёева. — Бу дарслик академия ректори Эркин Гадоев билан ҳаммуаллифликда яратилди. Дарслик бутунлай янги бўлиб, молия-иқтисод йўналишидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун мўлжалланган. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимининг тантанали қисмидан сўнг концерт дастури намойиш этилди.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
«Turkiston» мухбири

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётган, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олаётган «Камолот» ЁИХ аъзолари учун «Юрт равнақи — менинг келажагим» шиори остида маданий тадбир ўтказилди. Кечага уч юз нафар «Камолот»чи таклиф этилди. Улар учун байрам дастурхони безатилди.



«Kamolot» ko'zguisi

Фаоллар рағбатлантирилди

Тадбирда вилоят ҳокими Пўлат Бобононов қатнашиб, ўз истеъдоди, меҳнати ва ўқишдаги муваффақиятлари билан юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган, бошқаларга намуна бўлаётган ёшларга ўз миннатдорлигини билдирди ва келгуси фаолиятларига омад тилади. Шундан сўнг сўзга чиққан Урганч давлат университети талабаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол аъзоси Феруза Ражабова юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, жумладан, яқин-

да Урганч шаҳрида «Ёшлар кўли» дам олиш масканининг ишга туширилгани, шунингдек, «Ёшлик» кўчасида бир вақтнинг ўзида беш юз нафар ёшга спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имконини берадиган замонавий спорт мажмуасининг қурилаётгани, Амир Темур истироҳат боғида «Ёшлар маркази»нинг барпо этилаётгани ҳақида мамнуният билан гапирди.

Тадбир давомида жамоат ишларида фаоллик кўрсатган қирқ нафар хоразмлик ёшга

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан совғалар топширилди.

Маданий дастур доирасида «Нихол» мукофоти совриндорлари ҳамда ёш санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, «Ёшуллилар» қувноқлар ва зукколар жамоаси тақдим этган ҳазиломуз саҳна кўринишлари барчага хушқайфият бағишлади.

Фозил БОЛТАЕВ,
«Камолот» ЁИХ
Урганч шаҳар кенгаши
раиси

Дутор навоси

— Бу қиз марказимиздан. «Ёш дуторчилар» тўғарагига қатнашади, — деди саҳнада дутор чалиб қўшиқ куйлаётган Ойжамол Ерниязовани кўрсатиб Нуриддин Минсизбоев. — Ҳали мени айтди дейсиз, ундан Хурлимандек зўр бахши чиқади. Нуриддин аканинг «Камолот» ЁИХ Нукус шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида координатор эканлигидан хабарим бор. Яқинда ўзим ўша марказда бўлганимда, Ойжамолни мақтаётган шу киши мени у ердаги тўгараклар фаолияти билан таништирганди...

Ойжамолнинг овози шунақанги жаранглаб кетдики, залдаги томошабинлар беихтиёр тебраниб қарсақ чалиб юборди. Марказ ҳақидаги хаёлларим эса овоз ва олқишлардан тўзғиб кетди.

Ҳа, у ерда Ойжамолга ўхшаган қобилиятли ёшлар кўп. Масалан, Нукусдаги 11-мактаб ўқувчилари — Меҳрибон Дўстхўжаева, Албина Сарсенғалиева ҳам дуторни яхши чалади. Адамасам, ўшанда уларга Бердақ Берманов қорақалпоқ-оламўйноқ дуторида «Қорақалпоғим» кўшиғини ўргатганди. Сўнгра «Стол тенниси» тўғарагида бўлдим.

Спортчилар ўзаро мусобақалашаётганди. Унда Нукусдаги 6-мактаб ўқувчиси Қаншайим Буркитова ғолиб бўлди...

Дутор чиндан ҳам ёқимли куй чиқарар экан. Мана, у Ойжамолнинг сеҳрли қўллари орасидан таралиб, хаёлларимни бироз ўғирлади-ю, яна марказ ҳақидаги ўйлар билан қитиклади.

Ҳа, марказда «Инглиз тили», «Рус тили», «Рақс», «Ёш дуторчилар», «Тикувчилик», «Гилам тўқиш», «Стол тенниси», «Антакия», шунингдек, «Зулфияхоним қизлари» тўгараклари мавжуд. Ушанда Нуриддин ака: «Айни пайтда бу ерда



692 нафар ўқувчи билим олмоқда, касб-хунар сирларини эгалламоқда», деганди.

«Инглиз тили» тўғарагида бўлдим. Наргиза Далибоева ўқувчиларга инглиз тилида янги методларда дарс ўтаётганди. Ўқувчилар эса инглизча қийналмай гапирарди.

«Тикувчилик», «Гилам тўқиш» тўгаракларида эса иш жуда қизғин эди. Гулнора Қўшжоннова шо-

гирдларига эринмай, тикиш-бичишни, гилам тўқишни ўргатганини кўрдим. Билсангиз, миллий нақшдаги ўша чиройли гиламларни ҳалиям унутганимча йўқ...

— Оҳ, яша, қизим! Нуриддин ака ҳаяжондами ё севинчдан, ишқилиб, сонига бир урди. — Ана, кўрдингизми шогирдимни?! — деди у.

— Тўғри, Ойжамол кўшиқни яхши айтаяпти, — дедим ва тез-тез Ну-

риддин аканинг гапларидан чалғиётган ўйларимни яна ўша марказга йўналтирдим.

... Эсимда, «Рақс» тўғарагига борганимда Нукусдаги 10-мактаб ўқувчиси Оксунгул Қолбоева ўзининг миллий рақслари билан мени қойил қолдирди. Сўнгра эртасига марказ фаоллари билан қўшилиб, Хўжайлидаги 1-Меҳрибонлик уйига бордим. Фаоллар у ердаги болаларга концерт дастурини тақдим этишди, турли кийим-кечак, юмшоқ ўйинчоқлар совға қилишди. Шунда:

— Мен «Антакия» тўғарагига қатнашаман, — деганди Нукусдаги 37-мактаб ўқувчиси Рустам Арзиев. У ерда «Заковат», «Ўйла, изла, топ» ўйинларига тайёрланамиз, билимимизни чархлаймиз...

Кейин Рустам дўстларини таништирди:

— Азиз, униси Алпомиш, буниси Достон, у қиз эса жуда билимли, исми Тўмарис...

«Антакия» тўғараги аъзолари билан роса чакчақлашдик, савол-жавоблар қилдик. Сўнгра «Зулфияхоним қизлари» тўғарагининг оқила, билимли, хушмуомала қизлари билан тўгарак ҳақида бироз гаплашдик. — Бу ерда биз усто-

зимиз Гулмира Айтбоевдан ижоднинг ўзига хос хусусиятларини ўрганаёلمиз, — деди оқсарикдан келган қиз Гулшод Кенгесбоева.

— Марказга келганимда кўп нарсани яхши билмасдим. Ҳозир эса анча-мунча нарсаларни ўрганиб олдим...

Ўша пайт Гулшоднинг самимий гапларига ишондим. Чунки чиндан ҳам марказнинг мақтагулик жиҳатлари кўп эди, бунини ўзим билан кўргандим...

Қариндошим, одатда, қорақалпоқларда сингилни шундай дейишди, кўрдингизми, марказимизда шундай истеъдодлар тарбияланаяпти!

«Камолот» ЁИХ Нукус шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази координатори Нуриддин Минсизбоев фахр билан гапирди. Худди шу пайт саҳнада таралаётган дутор навоси ҳамда кўшиқ ҳам якунига етди. «Камолот» ЁИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ўтказилаётган «Истиқлол фарзандимиз» ижодий танловини яқунланди. Тинимсиз олқишлар марказнинг самарали фаолиятига ёғилаётгандек бўлди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Shunday markaz bor!

Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Кўнғирот туманида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, «Камолот» ЁИХ Кўнғирот тумани кенгаши, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида ўттиз тўртта корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркасида қирқ етти нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Шундан ўн тўққиз нафари коллеж битирувчиси, ўн етти нафари хотин-қизлардир.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Харакатнинг Чилонзор тумани кенгаши «Елим идишларсиз тоза Чилонзор» танловини ташкил этди.

Танловда тумандаги ўттиздан ортиқ ўқув муассасаларидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчилари, сардорлар кенгаши аъзолари ва етти минг нафардан ортиқ «Камолот» аъзолари қатнашди. Натижада лойиҳа давомида Харакат аъзолари ва фаоллари томонидан таълим муассасаларида 15200 донга елим идиш йиғилди. Танлов якунига бағишланган «Камолот» етакчиларни қадрлайди!» ёшлар форумида ташкилотчилар томонидан лойиҳада ғолиб бўлган барча таълим муассасаларига фахрий дипломлар, I, II даражали кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» лойиҳасининг биринчи тарғиботи бўлиб ўтди.

Ҳар йили «Камолот» ЁИХ ўтказиб келаётган мазкур лойиҳа ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидаги фаоллигини оширишга бағишланган. Унда Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг иқтидорли ва фаол талаба-ёшларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини ҳамда унинг мамлакат ва халқимиз ҳаётидаги ўрнини очиб берувчи маърузалари билан қатнашишди.

Ҳуқуқий тарғибот бошланди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳасини ишга туширди.



Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа шу йилнинг 15 декабрига қадар республикамизнинг барча ҳудудларида амалга оширилади. Унинг бош мақсади мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ёш авлодга «тенгдош тенгдошга» усули орқали тушунтириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборат. Бунинг учун Харакат томонидан Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Тошкент давлат юридик ҳамда Тошкент давлат педагогика университетларидаги жами 150 нафарга яқин билимдон талабалар ва ёш ўқитувчилардан иборат тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Тарғиботчи ёшларнинг асосий контингентини Харакат фаоллари ташкил этади. Тарғибот гуруҳи аъзолари ойнанинг охирига қадар республикамизнинг барча таълим муассасаларида бўлиб, давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва очик мулоқотлар ташкил этилди.

Аслида, талаба-ёшлар иштирокида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш амалиёти «Камолот» ЁИХ тажрибасида биринчи йил қўлланилаётгани йўқ. Мазкур ташаббусни илк маротаба Тошкент давлат юри-

дик университети (аввалги Тошкент давлат юридик институти)даги Харакатнинг бошланғич ташкилоти фаоллари илгари суришганди. Университет талабалари ўйлаб чиққан «Ҳуқуқий тарғибот поёзи» лойиҳаси кўп йиллар давомида муваффақиятли амалга оширилди. Ўтган йилдан бошлаб у «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳаси сифатида давом эттирилмоқда.

Айтиш керак, ҳозирги тарғибот лойиҳаси нафақат янги ном, балки янгиланган тузилишга ҳам эга. Аввал у фақат тарғибот тадбирларидан ташкил топган бўлса, энди бир қанча янги лойиҳаларни ўз ичига қамраб олган. Масалан, ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати илк бор пилот-лоийҳа тариқасида ўз сайтида «Конституция билимдони» интернет танловини ўтказган эди. Бунда Адлия вазирлиги мутахассислари танлов учун махсус тест саволлари тайёрлаган, улар www.kamolot.test.uz субсайтига жойлаштириб борилган. Саволларга эса ўттиз ёшгача бўлган барча хоҳловчилар онлайн тарзда жавоб беришлари мумкин эди. Натижада атиги икки ҳафта ичида онлайн тестда ўн бир минг нафардан зиёд ёш қатнашиб, ўттиз нафари ғолиб бўлди.

Бу йилги «Конституция билимдони» интернет-танловга 25

ноябрда старт берилди. Ҳозирданок ёшлар www.kamolot.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, ҳуқуқий билимини синовдан ўтказишлари мумкин. Биринчи ҳафтада сайтга йиғирмата тест саволи жойлаштирилади. Уларга ўн дақиқа ичида жавоб бериш керак. Танловнинг иккинчи ҳафтасида саволлар сони ўнга қисқариб, ўйлаш учун фақат беш дақиқа берилади. Эътиборли томони, ташкилотчилар беллашувнинг шаффоф ва турли ғиромликлардан холи бўлиши учун барча эҳтиёт чораларини кўришган. Хусусан, танловнинг техник бошқаруви тизимига ҳудудий назорат функцияси киритилди. Бу бир шахснинг танловда бошқа ном остида, бошқа компьютер ва ҳатто бошқа жой ёки географик ҳудуддан туриб такроран қатнашишининг олдини олади. Аммо тестни белгиланган вақт мобайнида еча олмаган ёшлар барибир ўз билимини қайта синовдан ўтказишлари мумкин. Фақат бу ҳолатда улар асосий иштирокчилар сирасига киритилмайди. Яна бир янгилик: танлов иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтаётган ёшлар паспорт маълумотлари билан бирга, уяли телефон рақамини ҳам киритишлари керак. Шунда ҳар бир иштирокчига танловда қандай натижани қайд этгани, нечанчи ўринда бораётгани, жами неча киши рўйхатдан ўтгани ва бошқа маълумотлар SMS орқали етказиб турилади.

Энди «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мам-

«Kamolot» loyihalari

лакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳасига қайтсак. Лойиҳага тааллуқли муҳим янгилик шундаки, жорий йилда илк маротаба тарғибот тадбирларига суд ҳокимияти органлари жалб этилмоқда. Бу эса республикамиздаги минглаб ёшлар учун тарғибот ойнаси давомида маҳаллий судьялар билан учрашиш, жонли мулоқот қилиш ҳамда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўпроқ хабардор бўлиш имкони яратилаётганидан далолат беради. Лойиҳа доирасида Харакатнинг Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди томонидан «Ёшларни суд органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда туркум учрашувлар ўтказиш тўғрисида»ги қўшма қарор имзоланди. Унга мувофиқ, жойлардаги тарғибот тадбирларида қатнашувчи «Камолот»чи ёшлар вилоят, туман ва шаҳар судлари билан бевосита танишишлари ва ҳатто ёшлар билан боғлиқ масалада кўрилаётган айрим суд процесларида қатнашишлари ҳам мумкин. Шубҳасизки, бундай тадбирлар ўқувчи ҳамда талабаларда суд ҳокимияти ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввурни ҳосил қилишга ёрдам беради. Айтилик, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди фаолияти билан танишиш асносида кўпчилик ёшларда тадбиркорлик фаолиятига рағбат уйғонса, ажаб эмас. Зеро, юртимиздаги бундай судларнинг асосий вазифаси айнан тадбиркорлик субъектларининг ўзаро иқтисодий муносабатларида юз бераётган муаммоли ва низоли ҳолатларни одилона ҳал этиш ва қонуний ҳуқуқларини тиклашга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» тарғибот лойиҳасининг декабрь ойидан бошланувчи учинчи — якунловчи босқичида тарғибот тадбирларига жалб этилган «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчи ва фаоллари энди ўзлари тарғиботчи сифатида ўқиш жойларидаги тенгдошлари орасида ҳуқуқий тарғибот олиб борадилар.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов олган сурат.

Соғлиқ ва мусоффолик сари

Шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Харакатнинг Хоразм вилояти кенгаши фаоллари ва етакчи-ёшлар турли тадбирларда қатнашиб, аҳоли ва тенгдошлари ўртасида чекишга қарши тарғибот ишларини олиб боришяпти.

Тарғибот тадбирларидан бири Хива туманидаги 2-мактабда ташкил этилди. Унда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошида фаолият олиб бораётган «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси тренерлари ўқувчиларга сигарета ва тамаки тутунининг зарари тўғрисида батафсил маълумот беришди. Урганч шаҳридаги 24-мактабда эса

шаҳардаги барча мактаблардан йиғилган 3 — 9-синф ўқувчилари чекишга бўлган муносабатини расмлар орқали ифодалادилар. Ижодий ишлар танловида 85 нафар ўқувчи иштирок этди. Етмиш нафарини Харакатнинг вилоят кенгаши тақдирлади.

Лойиҳа тренерлари тушунтириш ишлари билан бир қаторда, чекишга қарши

амалий ҳаракатларга ҳам қўл уришди. Масалан, Урганч дехқон бозорида «Биз, ёшлар чекишга қаршимиз!» шиори остида ўтказилган акция жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида бозор ҳудудида сигарета чекаётганлар тўхтатилиб, улар билан суҳбатлашилди. Лойиҳа тренерлари чекувчиларни қўлидаги сигаретани махсус тайёрланган қутига ташлашга ундадилар. Шу тариқа 250 нафарга яқин чекувчиға тамакиннинг зарари тушунтирилди. Қутига йиғилган сигареталар эса ёқиб юборилди. «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси Хоразм вилоятида давом этмоқда.

Ибрат ҚУРБОНОВ,
«Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси тренери

Aksiya



Эл-юрт тақдирига дахлдорлик

Ўзбек миллий академик драма театрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси — 2013» кўрик-танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Бугун дунёда рўй бераётган воқеа-ходисалардан хабардор ҳар бир киши юртимиз осойишталигини, халқимиз фаровонлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, тенгдошларимиз тафаккурини мусаффо сақлаш, четдан келаётган турли ахборот хуружларига қарши мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яхши билади. Айниқса, баландпарвоз чақириқлар, чиройли ваъдалар билан ёшларни ўз сафига жалб этиб, уларни Ватан, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссидан мосуво этишга, тенгдошларимиз онгида яшаш фақат ўйинкулгидан иборат, деган ҳавойи тушунчани шакллантиришга иштиёқмандлар ҳар қадамда учрайди. Уларнинг ғаразли ниятларидан халқимиз, хусусан, ёшларни огоҳ этиш, жамоатчилик орасида эзгу ғояларни тарғиб этиш бугун маънавият ходимларининг зиммасига улкан масъулият юклайди. Демак, улар орасидан фаол

маънавият тарғиботчиларини аниқлаб, муносиб тақдирлаш ҳам соҳага ривожига қаратилган юксак эътибор намунаси.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танлови юртимиздаги фаол маънавият тарғиботчиларини аниқлаб рағбатлантириш баробарида, улар фаолиятдан жамоатчиликни хабардор этиш, бошқаларни ҳам эзгу ишга жалб этишда муҳим омил бўляпти. Бу йил турли тизимда меҳнат қилаётган ўн икки нафар фаол маънавият тарғиботчиси муносиб тақдирланди.

— Маънавият ҳар бир жамият, халқ тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Қайси юртда маънавият устувор, ёшлар фикри теран, имон-эътиқоди бутун, ватанпарвар бўлса, бирорта хавф шу юртга таҳдид солмайди. Шундай экан, маънавият тарғиботи билан шуғулланиш жамиятнинг ҳар онгли аъзо-



си зиммасига улкан инсонпарварлик масъулиятини юклайди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Урганч давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси Бекзод Абдураимов. — Бу хайрли ишдан четда қолмаслик учун тенгдошларимиз орасида «оммавий маданият» хатарларидан огоҳ этувчи, дунёқарашимизни кенгайтириб, бизни соғлом ҳаёт ке-

чиришга ундовчи тадбирлар, давра суҳбатларини ўтказяпмиз.

Тадбирда, шунингдек, эл суйган санъаткорлар ижросида Ватанни, тинчлик ва эзгуликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири.
Носир Ҳайдаров олган суратлар.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Hududlardan mujdalar

Фарғонада Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим йўналишлари бўйича туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган етмиш беш нафар қиз иштирок этди.

Нуфузли комиссия аъзолари тақдим этилган ҳужжатларни кўздан кечиргач, номзод қизларни суҳбатдан ўтказдилар. Берилган ҳар бир саволга батафсил жавоблар чиндан ҳам бу муносиблар кураши эканлигини аниқлатди. Ниҳоят сараларнинг саралари аниқланиб, ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб деб топилган 15 нафар иқтидорли қиз танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритди.

Бахт шаҳридаги махсус ўғил болалар коллежида «Мурувват кўрсатган болажон халқим» мавзусида учрашув ташкил этилди.

Ҳаракатнинг Сайхунобод тумани кенгаши ўтказган ушбу учрашувда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ходимлари ва Сайхунобод туман қишлоқ хўжалиги коллежининг бошланғич ташкилоти етакчиси қатнашиб, иқтидорли ёшлар билан мулоқотда бўлишди. Тадбир давомида Сайхунобод туман қишлоқ хўжалиги коллежининг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари ўзларининг куй-қўшиқлари ва шеърларидан парчалар ўқиб, қизиқарли сахна кўринишларини намойиш этишди. Бундан руҳланган коллеж ўқувчилари ҳам ижод намуналарини ҳавола этишди.

Вилоятда 20 ноябрдан 20 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишлаб «Конституция — бахтимиз қомуси» шиори остида тарғибот ойлиги ўтказилмоқда.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан ўтказилаётган ойлик доирасида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Конституция ва қонуларни ўрганамиз!» кўрик-танлови, талабалар тураржойларида истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида «Конституция ёшлар нигоҳида» мавзусида маънавий-маърифий кечалар, «Мен сайловга тайёрман!» лойиҳаси ҳамда спорт мусобақалари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Конституция — бахтимиз қомуси» шиори остидаги тарғибот ойлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусида республика тарғибот гуруҳи аъзолари иштирокида ҳам тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ўқувчиларнинг инновацион ғоялари

Пойтахтимизда «Энг яхши инновацион ғоялар» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Ўрта махсус, касб-хунаар таълими маркази ҳамда Британия кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда касб-хунаар коллежлари ўқувчилари инновацион бизнес лойиҳалари билан қатнашдилар.

Республикамиз ҳудудидан сараланган ўн тўртта жамоа тақдим этган ишланмаларни Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИХ ва бир қатор ташкилотлар вакиллари билан тузилган ҳакамлар ҳайъати баҳолади.

Танлов ишлари орасидан атроф-му-

хит муҳофазаси, жисмоний имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қулайликлар яратиш каби йўналишлардаги қизиқарли тақлифлар ўрин олган. Танловда Нукус ижтимоий иқтисодий коллежи жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Қорақалпоғистонлик ёшлар муқобил ёқилғи воситаси сифатида био-брикетларни



тайёрлаш усулини тақлиф қилдилар.

— Био-брикетлар табиий хомашё — хазонни қайта ишлаш йўли билан тайёрланади, — дейди ғолиб жамоа аъзоси Бибимарям Алламуродова. — Шунинг учун бошқа ёқилғи воситалари, масалан, кўмир ва ўтиндан анча афзал. Уларга нисбатан узокроқ ёнади. Арзонлигини эса айтмаса ҳам бўлади. Жамоамиз билан бирга хазондан био-брикетлар тайёрлаш усулини ишлаб чиқиб, шу асосда янги бизнес лойиҳа яратдик. Агар у амалиётга татиқ этилса, экологик хавфсиз маҳсулот турини юртимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Саидазиз АЪЗАМОВ,
ЎзДЖТУ талабаси



КАМОЛОТ



Асосий қонуниimiz инсон шаънини улуғлайди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида миллий давлатчилигимизнинг асосини белгилаб берувчи асосий қонун ҳисобланади. Шунингдек, у давлатнинг сиёсий тузуми, ижтимоий, иқтисодий, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг устувор йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий ғояси фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни белгилашдан иборат.

Конституциямиз умумхалқ муҳокамасидан ўтган, олти юздан ортиқ таклифлар берилган ва кейин қабул қилинган муҳим, «инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида белгилаган» қонун ҳисобланади. Конституциянинг энг асосий ғояси сифатида инсон ва унинг қонуний манфаатлари қўйилган.

Олдинги конституциялардан фарқ қилиб мустақил давлатнинг Конституцияси халқаро принципларнинг инсон ҳуқуқларига оид деярли барча қирраларини тан олди. Инсоннинг ўзи, инсоннинг давлат ва жамиятдаги ўрни, давлат бошқарувида унинг иштирокига нисбатан бўлган қарашлар ва ғоялар ҳуқуқ ва эркинликлар сифатида мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳуқуқ ва эркинликлар, бурч ва мажбуриятлар ҳам инсоннинг ҳулқ-атворини акс эттиради. Бироқ ҳуқуқ инсоннинг ҳаракат қилиш имкониятини билдирса, бурч заруриятни билдиради.

Давлат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умуман тарихан шакланган турли қарашларга кўра, уни қандай тушуниш кераклиги тўғрисидаги тушунчаларни турли қонунларда белгилаб берган. Яъни, аввал давлат шаклланиши, ундан сўнг инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар амалда бўлиши демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий моҳияти инсонни улуғлашга қаратилганлиги билан кўзга ташланади. Конституциянинг 2-моддасидаёқ «Давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар ва ҳисоб берадилар» деб белгиланганлигининг ўзи Конституция кимга хизмат қилишини белгилайди.

Ҳар бир жамиятнинг етакчи кучи — бу инсон. Инсон жамиятнинг ривожланишида унинг таркиб топишида энг асосий ўринни эгаллайди. Инсон умрининг охиригача меҳнат қилади. Яшаш учун интилади. Жамиятга ўзининг борлигини доим сездириб туради. Жамиятнинг ривожланиши кўпинча инсоннинг онги билан боғлиқ ҳолда рўй беради.

Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан рухсат этилган, ман этилган ёки унинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳуқуқларга бўлинади. Масалан, инсон туғилиши билан унга исм қўйиш, ота-онасини аниқлаш, фамилиясини кўрсатиш, фуқаролигини белгилаш ҳуқуқи давлат томонидан назорат қилинса, унга исм танлаш эса ота-онасининг шахсий ҳуқуқи ҳисобланади.

Демак, инсон туғилишидан бошлаб ўзи сезар-сезмас ҳолатда ҳуқуқ, эркинликларга эга бўла бошлайди, маълум ёшдан бошлаб ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликни ҳис этади. Бу эса давлатимиз

Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган.

Конституциянинг асосий принциплари, яъни раҳбарий ғоялари мавжуд. Давлат суверенитети принципи, халқ ҳокимиятчилиги принципи, инсон — олий қадрият ва давлат сиёсатининг асосий мақсади принципи, демократизм принципи, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги принципи, қонунийлик принципи, Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи, ҳокимиятлар бўлиниши принципи, Ўзбекистон Республикаси томонидан фаол ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши принципи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш принципи ва бошқа принциплар борки, буларнинг ҳаммаси Конституциямизнинг бош, раҳбарий ғоялари ҳисобланади. Бошқа қабул қилинаётган ҳар қандай қонунлар ана шу принципларга бўйсунган ҳолда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат юридик норма, яъни мажбурий характерга эга бўлган қоида ва принциплар, балки ахлоқий жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Масалан, хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилиги (46-модда); вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (45-модда); оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши (63-модда); давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, ўқитишни таъминлаши, болаларга мўлжалланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши (64-модда); оналик ва болаликнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши (65-модда); вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга

мажбуриятлари (66-модда) Конституциянинг чуқур ахлоқий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди. Шарқ халқларига мансуб бўлган кўпгина ахлоқий қарашлар қоида сифатида, норма сифатида Конституцияда белгилангани унинг миллий характерини кўрсатади. Шу жиҳатлари билан Асосий қонунимиз бошқа давлатлар конституцияларидан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро аҳамиятга эга, десак, хато бўлмайди. Чунки давлатимизнинг олиб бораётган ташқи сиёсати ва халқаро ҳамкорлиги айна Конституциямизга асосланади. Конституцияда белгиланган қатор нормалар давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнини топишида йўлланма ҳисобланади.

Иккинчидан, Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид бир қатор халқаро ҳужжатлар — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Ижтимоий, Иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёллар тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида халқаро ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларда белгиланган асосий принцип ва қоидалар Конституциямизда ўз аксини топган. Шунинг билан ҳам Конституциямиз халқаро аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, давлатимизнинг ҳар бир фуқароси хорижда бўлиб турган вақтида Конституция ва қонунларимиз ҳимоясида бўлади. Хулоса қилиб айтганда, Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг деярли барча қоидалари имплементация (қўлланган) қилинган, десак бўлади.

Давлат бошқаруви ташкил этилаётган ва амалга ошири-

лаётганда, аввало, инсон ҳуқуқларига нисбатан бўлган тамойил ва қарашлардан келиб чиқиб бошқарувни амалга оширади. Давлат кучайиб кетса, албатта, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига янада кенгрок эътибор қаратилиши лозим бўлади. Тарихдан маълумки, давлатлар кучайганда, мавжуд сиёсий тизим, давлат бошқаруви, инсон билан давлат ўртасидаги мувозанат ўзгариб, инсонга нисбатан беписандлик кучайган. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғояси моҳиятини кенг тушунтиришга ҳаракат қилинаётгани бежиз эмас.

Назаримизда, инсон билан давлат ўртасидаги ҳамкорлик, қонунларда белгиланган муносабатларни ўрнатиб бориш, давлатнинг қатор вазифаларини ижтимоий тузилмаларга ўтказиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига мумкин қадар эҳтиёткорона муомалада бўлиш, инсонга олий қадрият сифатида қараш, инсоннинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида мавжуд воситалар орқали тиклаб бориш асосий вазифалардан бўлиб қолаверади.

Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқини яхши билиб олиши, қонунларга риоя этиши, ҳуқуқни қўлловчи органлар билан фуқароларнинг қонун доирасида муносабатга киришиши, бузилган ҳуқуқларни тиклашда бевосита судларга мурожаат қилиш маданиятини кучайтириш лозим. Фуқароларга бевосита ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида эса адвокатуранинг ролини янада ошириш, адвокатлар сонини кўпайтириш, уларнинг жараёнларда процессуал иштирокини янада кенгайтириш лозим бўлади. Буларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бобоқул ТОШЕВ,
Республика юристлар
малакасини ошириш
маркази кафедра
мудир, юридик
фанлар доктори

Тўкинлик тимсоли

Яхши инсонлар бир-бирига тилак билдирганда, уйингиз донга тўлсин, деб қўйишади. Дарҳақиқат, дон, ғалла нафақат ризқ-рўз, балки эзгулик, тўкин-сочинлик белгиси ҳамдир. Бу йил Ўзбекистон ғаллачилик фанига асос солинганига юз йил тўлди. Яқинда Дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол филиали ўзининг бир асрлик тарихий санасини нишонлади. Бу анжуманда республика-миз олимлари, мутасадди-раҳбарлар билан биргаликда ўттиздан зиёд қатор хорижий давлатлардан тадқиқотчи олимлар иштирок этди.

Бу муассасанинг 1913 йилдан шу пайтгача бўлган фаолиятига тааллуқли ҳужжатлар Ғаллаорол тумани давлат архивида сақланмоқда. Бу санага бағишлаб архив ҳужжатлари асосида қозғоли экспонатлар,

маълумотлар ва мақола-лар чоп этилди. Илмий текшириш институтининг фаолиятига қизиққан тадқиқотчи ва адибларга мавжуд архив ҳужжатлари асосида амалий ёрдам берилди.

«Фалла» илмий ишлаб

чиқариш бирлашмаси 1913 йил май ойида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани худудида «Зарафшон» тажриба даласи номи билан ташкил топган. Ушбу муассаса деҳқончилик қоидаларини илмий асосда ишлаб чиқиш, соҳанинг бошқа масалаларини ҳам илмий асосда ишлаб чиқиш, ем-хашак ишлаб чиқариш, асосан, бошоқли дон экинлари агротехикаси, суғориладиган ерларда дренажлардан фойдаланиш муаммолари билан шуғулланган. 1924 йилдан деҳқончилик ва пахта агротехикаси бўйича иш олиб борган. 1926 йил «Зарафшон» тажриба даласи Каттақўрғон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясига айлантирилиб,

илмий ходимлар маҳаллий буғдой ва арпа навлари устида илмий иш олиб борганлар.

Ўтган йиллар мобайнида институт ходимлари республикада лалми деҳқончилик, хусусан, ғаллачиликни ривожлантиришда кенг ҳажмли ишларни амалга оширди. Кўплаб янги ғалла ва дуккакли экин навлари экиш технологиясини такомиллаштиришга доир илмий ишларни қишлоқ хўжалигига тақдим этди. Бу илмий ишлар мустақил республикаимизда ғаллачиликни ривожлантиришга алоҳида ҳисса бўлиб кўшилди.

Нурқосим ЯХЎЕВ,
Ғаллаорол тумани
давлат архиви
директори



Истиқлол фарзанди эканим катта бахт!

— дейди фестиваль қатнашчиларидан бири

Фарғонада миллионлаб ёшлар ва кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб этган ёшлар фестиваллари давом этмоқда. Кўхна ва ҳамisha навқирон Марғилон шаҳри бу гал ҳам вилоятнинг энг фаол ва ташаббускор ёшларини, кенг жамоатчилик вакилларини ўз бағрига чорлади. Шаҳарнинг марказий стадионида бўлиб ўтган ёшлар фестивали олий ўқув юрти талабалари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг чинакам байрамига айланиб кетди.

Фарғона вилоят ҳокимлиги, вилоят ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган фестиваль «Инсон манфаати — олий қадрият» шиори остида ўтди.

Тадбир аввалида вилоятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида самарали иш олиб борган фаол ташкилотлар ҳамда бу йил «Нихол» мукофоти совриндори бўлган Фарғона санъат коллежининг «Нихол» ансамбли аъзолари

вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фестиваль мусиқали композицион дастур билан давом этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилноза Исмияминова, «Нихол» мукофоти совриндорлари Дилсўз, Шахло Рустамова, таниқли эстрада юдузлари Улуғбек Раҳматуллаев, Дилдора Ниёзова ижро этган куй-қўшиқларга ёшлар ҳам жўр бўлди.

— Биз, ёшлар, энг аввало, Ўзбе-

кстоннинг, истиқлолнинг фарзанди эканлигимиз катта бахт, — дейди Фарғона давлат университети талабаси Нарғиза Абдулазизова. — Диёримизнинг тинч ва ободлиги туфайли халқимизга мана шундай байрамлар, фестиваллар ярашяпти. Қонун устувор бўлган, кучли фуқаролик жамияти сари дадил қадам ташлаётган давлатимизнинг ҳар бир ўғил-қизи мана шунга муносиб, дадил ва уйғоқ яшаши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган ушбу ёшлар фестивали фарғоналик йигит-қизларда истиқлолга шукроналик туйғусини шакллантириш билан бирга, уларни соғлом ҳаёт ва юксак мақсадлар сари руҳлантириб юборди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА,
«Камолот» ЁИХ Фарғона
вилояти кенгаши матбуот
хизмати етакчи мутахассиси



Yoshlar festivali



Sog'lom turmush tarzi

Футбол юлдузларидан қолишмайди

Сирдарёда Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокими кубоги учун футбол мусобақаси ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази ўтказган мазкур мусобақада вилоятдаги мавжуд тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотлар жамоалари майдонга тушди.

«Сирдарё вилояти ҳокими кубоги» футбол мусобақаси ёшлар ўртасида футбол ўйинини янада оммалаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимларини спорт машғулотларига доимий жалб қилиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилди. Мусобақада вилоят савдо-саноат палатаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят Марказий банкнинг вилоят филиали бошчилигидаги 11 та тижорат банки жамоалари фаоллик кўрсатишди.

Ҳужумкор ўйинлар ва чиройли голлар билан эсда қолган мусобақа якунида «Халқ банки»нинг вилоят филиали жамоаси биринчи ўринга, Марказий банк бошқармаси жамоаси иккинчи ўринга, «Қишлоққурилишбанк» жамоаси эса учинчи ўринга са-

зовор бўлди. Шунингдек, «Энг яхши жамоа» номинацияси ғолиблигига маданият ва спорт ишлари бошқармаси жамоаси, «Энг яхши ҳужумчи» номинацияси ғолиблигига Баҳодир Ботиров («Халқ банки»), «Энг яхши дарвозабон» номинацияси ғолиблигига А.Аҳмадов (Марказий банк), «Энг ёш иштирокчи» номинацияси ғолиблигига Бобур Шойимқулов («Камолот» ЁИХ фаоли) муносиб деб топилди. Мусобақа якунида ғолибликни қўлга киритган жамоаларга ва номинация ғолибларига ташкилотчилар ва ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган қимматбаҳо эсдалик совғалар, диплом ва махсус кубок топширилди.

Элёр ЖҲРАЕВ,
«Turkiston» мухбири

Ёш фермерга кенг имконият

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда етакчи соҳалардан ҳисобланади. Аҳолининг қарийб олтимиш фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, етиштирилаётган хомашёнинг катта қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, соҳани ривожлантириш юртимизда аҳоли бандлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашда нечоғли аҳамият касб этишини англаш мушкул эмас.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан республика-мизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун, Президентимиз ва ҳукумат қарорлари, бир қатор қонуности ҳужжатлар фермерлик соҳасини ривожлантиришга асос бўлди. Айти пайтда юртимизда 66 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турларини кўпайтиришда қишлоқ жойларда саноат ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда асосий масъулият фермерлар зиммасига тушмоқда. Бугунги кунда фермерлардан агроном, иқтисодчи, механизатор бўлиш билан бирга, ўз соҳасига оид

илм-фан ютуқларидан хабардор бўлиш талаб қилинади. Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали соҳага сувни тежайдиган технологияларни, ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

2012 йил 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Бу фармон қишлоқ хўжалиги соҳасида фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, Фермер хўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон фермерлар кенгашига айлантирилди. Фермерлар кенгашининг муҳим вазифалари сирасига аграр соҳани барқарор ва самарали ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим бўғинлари-

дан бири сифатида фермер хўжаликлари роли ва аҳамиятини ошириш ҳам киради. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туманлар ҳокимликларига ҳам фермерликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлаш вазифалари берилди.

Фермерлар кенгашларига фермер хўжаликлари манфаатларини ифода этган ҳолда давво аризалари тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улардаги мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилди. Яна бир муҳим ўзгариш шундаки, туман фермерлар кенгашлари раислари фермер хўжаликларига ер майдонларини бериш (сотиш) масаласи кўриб чиқиладиганда махсус комиссия таркибига киритилади.

Мамлакатимизда фермерлар фаолиятини ташкил этиш, такомиллаштириш, ривожлантириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлари уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоя қилинаётганидан далолат беради.

Хусниддин ДАМИНОВ,
Адлия вазирлиги
юристар малакасини
ошириш маркази
тингловчиси,
ҳуқуқшунос

Fermer — yurt tayanchi

Мен бахтли боламан

«Мен бахтли боламан. Чунки тинч, осойишта Ватаним бағрида яшайман. Мактабда «аъло» баҳоларга ўқишимда, дарсдан сўнг тўгаракларга қатнашимда, оиламизнинг тўкинлиги, кўчамиз, маҳалламизнинг ободлиги, Ўзбекистонимизнинг янада гўзал ва фаровон бўлиб бориши Конституциямизда ёзилган қоидалар туфайлидир».

Тошкент шаҳри Яккасарой туманидаги 118-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Собиржон Давронов қаламга олган ушбу сўзларни унинг синфдош дўстлари, қолаверса, мамлакатимиздаги барча таълим масканларида билим олаётган ўғил-қизлар ҳам такоррлаши мумкин.

... Биз Собиржон ўқиётган мактабга кириб келганимизда 3-«В» синф ўқитувчиси Соҳиба Қўлдошева болаларга «Конституция оламига саёҳат» дарсининг навбатдаги мавзусини тушунтираётган экан.

— Ватанимизнинг мустақиллиги, худудий яхлитлиги, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат, жамият олдидagi бурч ва масъулияти Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб кўйилган, — деди С.Қўлдошева. — Сиз, ўқувчиларнинг ҳам сифатли таълим-тарбия олишингиз, билим ва қобилиятингизни рўёбга чиқаришингиз, соғлом ўсишингиз, келгусида касб-хунар эгаллаб, моҳир мутахассис бўлиб етишингиз



Аскар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар

да Ўзбекистон Конституциясида белгиланган қоидалар муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Қани, болажонлар, айтинг-чи, Конституция сизнинг ҳаётингизда қандай ўрин тутаети?

— Бизнинг аъло ўқишимиз, бахтиёр яшашимизга оид ҳуқуқларимиз Конституциямизда ифодаланган, — дейди ўқувчи Шаҳноза Муҳаммадиева. — Мактабимиз озода, синфимиз ёруғ. Яхши ўқиб, келгусида билимли инсон бўлиб етишимиз учун барча шароитлар яратилган. Буларнинг барчаси биз, ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишимиз, ўз истеъдод ва қобилиятимизни рўёбга чиқаришимиз учун Конституциямизда белгиланган қоидаларнинг ҳаётга жорий этилаётгани сабаблидир.

— Ким айтади, сизларнинг билим олишга оид ҳуқуқингиз Конституциянинг нечанчи моддасида ёзилган?

Синфдаги барча ўқувчилар бир-биридан қолишмасликка ҳаракат қилиб қўл кўтаради.

— Қани, сен айт-чи, Ҳабибулла?

— Конституциянинг 41-моддасида, — дейди Ҳ.Ўринбоев.

— Тўғри! — ўқувчини руҳлантиради муаллима. — Асосий қонунимизнинг ушбу моддасида ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги белгилаб кўйилган.

... Машғулот давомида ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда «Мен бахтли боламан. Чунки...» деган ёзувлар битилган карточкаларни тўлдирдилар: «Мен бахтли боламан. Чунки Ўзбекистондек тинч диёрда, ота-онам бағрида яшайман». «Мен бахтли боламан. Чунки биз учун барча шароитлар яратилган». «Мен бахтли боламан. Чунки Ватанимиз Ўзбекистонга кўпчилик ҳавас қилади». «Мен бахтли боламан. Чунки Президентимиз — болаларни жуда яхши кўрадилар».

Мазкур умумтаълим мактабида бошланғич синфларга Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳиятини оддий, содда тилда, болаларнинг дунёқарашига мос тарзда тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жум-



ладан, «Одобнома», «Ўқиш», «Она тили», «Табиатшунослик», «Атрофимиздаги олам» каби предметларни ўқитиш жараёнида болаларга Асосий қонунимизга оид билим интеграцион тарзда, муайян мавзулар ёрдамида тушунтирилади. Бунда турли мавзулар, саҳна кўринишлари, мультимедиа ўқув воситалари, ҳужжатли фильмлар, суратлар ёрдамида ўқувчиларга етказилмоқда.

Ўқув машғулотларининг «оддийдан мураккаб» тамойили асосида йўлга қўйилган болалар томонидан Конституция моҳиятини кенг ва атрафлича ўзлаштириш имкони берилади. Куйи синфларда фуқаролик, қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимияти, демократик тамойиллар, сайлов жараёни, референдум каби нисбатан мураккаб мавзуларга оид дастлабки тушунчалар бериб борилади. Юқори синфларда эса бу мавзулар миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида тушунтирилади.

Ўқувчиларнинг Конституция билимини пухта эгаллашида «Маънавият дарслари», «Ахборот соатлари», ҳуқуқшунослар иштирокидаги учрашувлар,

қўшимча машғулотларнинг аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Айни пайтда, мазкур мактаб ўқувчилар жамоаси «Сиз қонунни биласизми?», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарларининг билимдони» каби танловлар, викториналарнинг туман, шаҳар, мамлакат босқичларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Абдулла Қосимов, Сарвар Комилов, Камола Шаропова, Мадина Ғайбуллаева, Муҳаммадқодир Ҳалимов сингари ўқувчилар «Билимлар беллашуви» республика интеллектуал мусобақасининг ҳуқуқ фани йўналишида совринли ўринларни қўлга киритаётгани бунинг далилидир.

Асосий қонунимизнинг мактаб ўқувчилари томонидан пухта ўрганилиши ёшларнинг Ватанимиз мустақиллигининг ҳуқуқий, маънавий асосларини теран англаб етиши, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий билимининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА муҳбири

Маънавий юксалиш мезони

Ma'naviyat

Шу йилнинг 20-22 ноябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган «Ўзбекистон матбуоти» III Миллий кўргазмаси доирасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида «Жамиятнинг маънавий-маърифий тараққиётида китобнинг ўрни» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши масъул ходимлари, ноширлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Юртимизнинг ҳар жihatдан юксалиши, жамиятимиз тараққиётида дунёқараш кенг, билимли, интеллектуал тенгдошларимизнинг ҳиссаси каттадир. Табиийки, ёшларнинг етук шахс сифатида камолга етиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида китоб мутолааси

муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугун юртимиз миқёсида китобхонликни тарғиб этиш, халқимиз, хусусан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ажодларимиздан қолган улкан илмий, адабий меросдан баҳраманд қилиш, замонавий шоир-ёзувчиларимиз, олимла-

римиз асарлари билан таништириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, шу йилнинг 23-24 май кунлари «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида ўтказилган китоб байрами тенгдошларимизни мутолаага ундовчи муҳим тадбир бўлди. Шунингдек, юртимизда ноширлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли бугун юртимизда чоп этилаётган китоблар сифат ва мазмун жиҳатидан янги босқичга чиқди. Ўқувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида китобларнинг электрон вариантлари яратилиб, ахборот-ресурс марказларининг электрон базасига жойлаштирилди. Шубҳасиз, бу саъй-ҳаракатлар замирида юртимизда жа-

миятимиз маънавиятини янада юксалтиришга қаратилган улкан эътибор мужассам.

Илмий-амалий анжуманда сўзга чиққанлар аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий маданияти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларнинг дунёқараш ва тафаккурини кенгайтириш, уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлашда китобнинг ўрни ва аҳамияти хусусида асосли фикр-мулоҳазаларни билдиришди.

— Бундан йигирма йиллар муқаддам дунёнинг айрим давлатларида иккиламчи саводсизлик (қийинчилик билан ўқиш ва ёзиш) тушунчаси пайдо бўлди. Бундан ўрганиб чиққан тадқиқотчилар жамиятда китоб мутолаасининг кескин пасайиши иккиламчи саводсизликнинг

асосий сабабидир, деган фикрни билдирган. Шундан маълум бўладики, китоб ўқиш ҳар бир инсон, ҳар бир жамият ривожига, халқнинг маънавий-маърифий камолотида муҳим ўрин тутаети, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммадҷонова. — Ёшлар орасида китобхонликни тарғиб этиш юртимиздаги зиёлилар, маънавият, маърифат, таълим, илм-фан масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар олдидagi муҳим вазифадир. Шу маънода, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг мутолаага қизиқшини ошириш, уларни сара асарлар билан таништириш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. «Энг сара юз асар» лойиҳаси ҳам шундай фойдали

тадбирлардан. Юртимизнинг таниқли ёзувчи-шоирлари, адабиётшунос олимлари кўмагида ёшларимиз маънавий камолотида хизмат қилувчи асарларнинг электрон базасини шакллантирдик ва дебоча сифатида ўнта асарнинг электрон шаклини сайтга жойлаштирдик.

Семинарда соҳа мутахассислари, таниқли адабиётшунос олимлар, ёзувчи-шоирларнинг «Ахборот-кутубхона соҳасига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масалалари», «Китобхонлик — маънавий юксалишнинг муҳим мезони», «Ёшларда китоб мутолааси маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари» мавзуидаги маърузалари йиғилганларда қизиқиш уйғотди.

Хайридин МУРОД,
«Turkiston» муҳбири

Дахлдорлик ва масъулият ҳисси билан

Kun mavzusi

Пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми бўлиб ўтди

Мазкур форум республикамизда иккинчи маротаба ўтказилди. Унда уч юз нафарга яқин маҳаллий ва ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлар, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, халқаро экспертлар қатнашди.

Уч кун давом этган форум доирасида юртимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятига доир турли масалалар муҳокамасига бағишланган шўба йиғилишлари, оилавий бизнес ва касаначиликни йўлга қўйиш бўйича тадбиркор аёллар учун маҳорат дарслари, жамиятда маънавий-маърифий қадриятлар, бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган тренинг, «Ижтимоий, гуманитар ривожланиш соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро анжуман ташкил этилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади. Мамлакатимиз тараққиётининг бош мақсади эса кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдир. Бу гоё Президентимиз томонидан илга-

ри сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилида ҳам ўз ифодасини топган. Бугун юртимизда «учинчи сектор»ни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир республикамизда 6600 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар мавжуд. Бу сўнги уч йилда ННТлар сони 22 фоизга кўпайганидан далолат беради. Уларнинг қирқ фоизга яқини давлат ҳокимияти органларининг ташаббуси билан тузилган. Давлатимиз фуқаролик жамияти институтларининг кўпайишигина эмас, балки ривожланиши учун ҳам кенг йўл очиб беряпти.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми ва ролини кучайтиришга қаратилган икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кафолатлаш

борасида алоҳида қонун амал қилмоқда. Айтиш керак, бу хорижий давлатлар қонунчилиги амалиётида камдан-кам учрайдиган тажрибадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш борасида институционал базани шакллантиришга туртки берди. Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа қатор янги тузилмалар ташкил этилди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий форуми ҳам, аслида, ушбу ташкилотлар томонидан илгари сурилган ташаббусдир.

Аҳамиятли томони шундаки, форум бир қатор давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ва

уларнинг бевосита иштирокида ўтказилди. Бу эса унда қатнашган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларига ўз фаолиятидаги муаммоларни ҳамкорликда муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиб, таклифлар бериш имкониятини яратди. Форум давомида иштирокчилар шўбаларга бўлиниб, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар ахборот-ташкилий фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги иштироки самарадорлигини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури» лойиҳаси учун таклифлар ишлаб чиқдилар.

Миллий форумнинг очилиш маросими Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди. Тадбир олдидан республикамиздаги турли нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди.

— Ташкилотимиз 1996 йилдан буён аёлларга ижтимоий, психологик ва юридик ёрдам кўрсатиш йўналишларида фаолият олиб бормоқда, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Сабр» ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори ўринбосари Саодат Аҳмедова. — Психологик маслаҳат олиш учун марказимизга нафақат Самар-

қанд шаҳри ва туманлардан, балки қўшни Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятларидан ҳам аёллар муурожаат қилишади. Ўтган икки йил ичида Ургут ва Оқдарё туманларида маҳаллий ижтимоий ривожланиш марказларини очдик. Уларда қизлар учун тикиш, пазандалик, миллий ҳунармандчилик, сартарошлик, компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқув курслари ташкил қилинган. Бундан ташқари, малакали психологлар томонидан оилавий муносабатларга оид тренинглар ўтказилади. Марказ қошида «Сабр» микрокредит ташкилот» шўба корхонаси ҳам фаолият юритмоқда. Корхона томонидан, айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аёлларга ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун мақсадли микрокредитлар берилади. Ҳозирга қадар ушбу хизматдан тўрт юз нафарга яқин аёл фойдаланиб, чорвачилик, тижорат, хизмат кўрсатиш соҳаларида шахсий бизнесини бошлашга муваффақ бўлди. Ўтган йили миллий форум вилоятимиз микросида ўтказилганди. Бу сафар унинг республика босқичида қатнашяпти. Форумда кўпга нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иш тажрибаси билан танишдим. Муҳокамаларда қатнашиб, фаолиятимизга дахлдор бўлган турли масалалар юзасидан эркин фикрлашдик, қатор таклифлар бердик.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг миллий форуми фаол иштирокчиларни тантанали тақдирлаш маросими ҳамда концерт дастури билан ўз ниҳоясига етди.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири



Hademay mutaxassis bo'lishadi

Harakatning boshlang'ich tashkilotlarida

Етакчилар учун минисессия

Тошкент давлат иқтисодийёт университетидида «Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси амалга ошириляпти. Унинг доирасида университетдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан талаба-ёшлар иштирокида кашандаликнинг олдини олиш ҳамда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари — минисессиялар ташкил этилмоқда. Илк минисессия бошланғич ташкилотнинг факультетлардаги етакчилари учун бўлиб ўтди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, дунёда ҳар йили беш миллионга яқин киши тамаки чекиш билан боғлиқ хасталиклар (биринчи навбатда, юрак-қон томир ва онкологик касалликлар) туфайли вафот этади. 2020 йилга бориб бу рақам икки бараварга ортиши мумкин.

Тамаки маҳсулотлари тутунида ўн икки мингга яқин кимёвий модда мавжуд. Улардан 196 таси захарли ва 14 таси наркотик моддалар ҳисобланади.

Чекиш оқибатида жигар ва ўпка зарарланади, ошқозон-ичак ҳамда нафас олиш органлари яллигланади. Бу иллатнинг оғир асоратлари сифатида, ҳатто руҳий хасталиклар ва кўзи ожизлик ҳам қайд этилган. Тамаки мия ҳужайраларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Натижада чекувчининг асаб тизими фаолияти бузилади, бош оғриғи ва уйқусизлик кузатилади.

Чекиш оила мустаҳкамлиги ва фаровонлигига путур етказиши ҳақида ҳам унутмаслик керак. Муаммонинг иқтисодий томонини олайлик. Чекувчи инсон бир кунда ўртача йигирма дона сигарета сотиб олса, тўрт минг сўм харажат қилади. Бир ойда бу 112 минг, бир йилда эса 1 миллион 344 минг сўмга айланади. Демак, ўртача қирқ йил сигарета чеккан инсон 53,7 миллион сўмдан зиёд пулини фақат тамаки учун сарфлар экан. Ваҳоланки, у ушбу маблағни фарзандларининг таълим олиши ёки бошқа фойдали мақсадларга йўналтириши мумкин-ку!

«Ёшлар чекишга қарши!» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган тарғибот тадбирлари давомида етакчилар олдида юқоридаги маълумотларни тенгдошларига етказиш вазифаси турибди. Бунда асосий эътибор ёшларни юртимизда кашандаликка қарши курашишнинг қонуний чоралари тўғрисида хабардор этишга ҳам қаратилмоқда.

Тарғибот тадбири давомида етакчилар бу масалада фикр алмашдилар.

Комилжон ХУРСАНДОВ,
ТДИУ магистранти

Туман марказидан эллик километр узоқда, Хонқиз қишлоғида жойлашган Фаргона тумани иқтисодийёт коллежи 2007 йилда фаолият бошлаган. Ўтган давр мобайнида таълим жараёнини сифатли ва самарали ташкил этишга улгурган педагогик жамоа ўқувчиларнинг юқори билимли бўлишлари йўлида тинимсиз изланишда. Айни кунда тўрт йўналишда таълим олаётган 1 минг 286 нафар ўқувчига саксон нафарга яқин ўқитувчилар касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда.

— Дарсларимизда илғор педагогик технологиялардан, ўқитишнинг янги усулларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Қимматхон Абдумажидова. — Жумладан, кластер, зинама-зина, case study каби усулларда олиб борилаётган дарслар ўқувчиларнинг ўтилаётган мавзунини тўла ўзлаштиришига асос бўляпти.

Янги усуллардаги дарслар ўқитувчилар олдида ҳам катта вазифалар қўяди. Педагогик жамоанинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг янги усулларни ўзлаштириши, амалиётга жорий этиши осон кечади. Улар устоз-

лар тажрибасини ўрганиш билан бирга, илғор педагогик технологияларни жорий этишда бошқаларга ўрнак бўляпти. Жумладан, кимё фани ўқитувчиси Нафосат Ёқубова, иқтисод фанидан Сайёра Дехқонова, информатикадан Иномжон Усмонов, жисмоний тарбия бўйича Илҳом Эрматов ва Ойдиной Турдиматова каби ёш, изланувчан ўқитувчиларнинг ишлари таҳсинга лойиқ.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.

СУРАТДА: физика фани ўқитувчиси Рўзихон Раҳмонқулова ўқувчилар билан лаборатория машғулотида ўтказяпти.

Iqtidorli yoshlar — mamlakat kelajagi

Пахта ёғи, инновацион тадқиқот ва самарали технология

Тошкент кимё-технология институти тадқиқотчиси Абдуҳамид Усмонов пахта мойини тозалашнинг иқтисодий тежамкор усулини яратди. Инновацион тадқиқот пахта мойини тозалаш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган.

Пахта мойи юртимизда озик-овқат маҳсулоти сифатида кенг истеъмол қилинади. Шу боис унинг организм учун беэиён, сифатли ва тоза бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу, кўп жиҳатдан, ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилувчи технологияларга боғлиқ.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда пахта мойини олишнинг икки хил усулидан фойдаланилмоқда. Биринчиси пресслаш усули. Чигитни қовуриб, пресслаш йўли билан ундан 35-40 фоизгача ёғ ажратиб олинади. Навбатдаги экстракциялаш усулида қайта ишланади. Бунда эса чигитдан 60-65 фоизгача мой ажратиб олиш мумкин.

— Экстракциялаш жараёни бензин ёрдамида амалга оширилади, — дейди Абдуҳамид Усмонов. — Айни ҳолатда бензин экстрагент, яъни эритувчи модда вазифасини бажаради. Пресслангандан кейин чигит бензинга солинганда таркибидаги мой осон эрийди. Лекин чигитнинг прессланиши ва экстракцияланиши ҳали сифатли пахта мойи ишлаб чиқарилди, дегани эмас. Мойнинг сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим босқич ҳали олдинда. Мутахассислар тилида уни рафинациялаш жараёни, деб атаймиз.

— Чигитнинг таркибида айрим зарарли модда ва элементлар мавжуд, — давом этади суҳбатдошимиз. — Масалан, госсипол. Бу модда захарли ҳисобланиб, ҳатто жуда оз миқдори ҳам инсон организмга зиён етказиши мумкин. Улардан бири адсорбцион тозалаш усулидир. Мейнинг тадқиқотим айнан шу жараёнга тааллуқли. Адсорбцион рафинацияда пахта мойи бентонитлар ёрдамида тозаланади. Бентонит бу — табиатда учрайдиган қаттиқ жисм. Мамлакатимиз ҳудудида икки юздан ортиқ бентонит конлари мавжуд. Асосийлари Навоий вилоятининг Навбахор туманида жойлашган. Бентонитлар озик-овқат саноатидан ташқари, қурилиш ва фармацевтика соҳаларида ҳам қўлланилади. Ушбу минерал суюқликда тез эрийди ҳамда турли ёт жисмларни ўзида ушлаб қолиш хусусиятига эга. Пахта мойини рафинациялаш жараёнида эса бентонитлар фильтр вазифасини бажаради. Шунинг ҳисобига мойнинг сифати яхшиланиб, ранг тиниқлашади. Ҳозир юртимиздаги ёғ-мой комбинатлари адсорбентлар, хусусан,

бентонитларни хориждан, асосан, Покистон ва АҚШдан сотиб олишяпти. Ваҳоланки, пахта мойини тозалашда маҳаллий хомашёдан фойдаланиш қулайроқ. Қолаверса, ишлаб чиқарувчиларга анчагина маблағни тежаш имконини беради.

Абдуҳамид Усмонов фақат илмий фаразлар билан чекланмай, ўз нуқтаи назарини амалда ишботлашга ҳам ҳаракат қилди.

— Одатда, пахта мойини тозалашда қўлланилувчи бентонитларга бирламчи кимёвий ишлов берилади, — дейди ёш тадқиқотчи. — Биз таклиф этган маҳаллий бентонитлар нисбатан янги, амалиётда ҳали синаб кўрилмаган хомашё. Шу туфайли олдимизда уларга ишлов беришнинг оптимал усулини яратиш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди. Узоқ изланишлар натижасида бундай усулни ишлаб чиқдик. Ҳозир ишланмага патент олишга тайёргарлик олиб бориляпти. Тажриба-синов тариқасида янги усулни лаборатория шароитида пахта ёғини маҳаллий бентонитлар ёрдамида тозалашда татбиқ этдик. Технология ўзини тўлиқ оқлади. Устига-устак, тажрибамиз Ўзбекистон бентонити шу пайтгача қўлланиб келинаётган бошқа адсорбентларга қараган-

да 20 фоизга самаралироқ эканини кўрсатди.

Абдуҳамид Усмонов баракали илмий изланишларида устозларининг кўмагини алоҳида эътироф этади. Тадқиқот иши мавзусини унга илмий раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Маҳаммаджон Раҳимжонов таклиф қилганди. Айни пайтда профессор озик-овқат хавфсизлиги кафедраси томонидан бажарилаётган йирик давлат гранти лойиҳасига ҳам раҳбарлик қилмоқда. Қаҳрамонимизнинг тадқиқоти ана шу лойиҳанинг узлуксиз қисми ҳисобланади.

— Истиқболда илмий ишимни муваффақиятли яқунлаб, пахта мойини тозалашнинг такомиллаштирилган технологиясини юртимиз корхоналарида жорий этиш ниятим бор. Тўғри, бу катта иш, лекин инсон олдида катта мақсадларни қўйиб яшаши ва шунга яраша ҳаракат қилмоғи керак, шундай эмасми?! Мен ўз салоҳиятим ва иқтидоримга ишонаман. Шунинг ўзи менга куч ва ғайрат бағишлайди.

Наргиза УМАРОВА
тайёрлади.
Сардор Муллажонов
олган сурат.

«Kamolot» sadosi

Фарғона шаҳар ҳарбийлар уйида «Қувноқлар ва зукколар» шоу дастури ўтказилди. Уни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгаши қошидаги «Лидерлар» гуруҳи ташкил этди.

Қувноқ ёшларнинг қувноқ шоуси

«Қувноқлар ва зукколар» шоусида вилоятдаги олий таълим муассасалари талабалари ва касбхунар коллежлари ўқувчиларидан иборат жамоалар қизиқарли саҳна чиқишлари билан қатнашди. Шунингдек, ҳаваскор санъаткорлар, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали ғолиблари ҳамда «VIA FAYZ», «Абитуриентлар» каби «ҚвЗ» жамоалари ўз иқтидорларини намойиш этди.

— Биз вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидаги зукко ва қувноқ ёшлардан иборат гуруҳларни шакллантириб, барчага қувноқ кайфият улаштиришни ният қилганмиз, — дейди «Лидерлар» гуруҳи сардори Жаҳонгир Тиллаҳўжаев. — Ушбу дастурларимиз ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўз иқтидор ва қобилиятларини намойиш қилишлари учун қулай шароит яратиш ҳамда турли хил ёт гоёлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишга хизмат қилишига ишонамиз.

Юқори кўтаринкилик билан ташкил этилган мазкур шоу биринчи марта ўтказилди. Шундай бўлса-да, ёшларга роса манзур бўлди. Келгусида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида шундай дастурлар ўтказилиши режалаштирилган.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Фарғона шаҳридаги «Афросиёб» спорт мажмуасида академик лицей ўқувчилари ўртасида «Камолот» кубоги футбол мусобақаси бўлиб ўтди.

Майдонда ёш ҳаваскор футболчилар



«Камолот» ЁИХ Фарғона шаҳар кенгаши ўтказган мазкур мусобақа ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган.

Мурасасиз кураш руҳида ўтган ўйинлар якунига кўра, Фарғона давлат университети қошидаги 3-академик лицей жамоаси «Камолот» кубогини қўлга киритди.

Мусобақа якунида спорт ўйинларини янада кўпроқ ўтказиш ва ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида вояга етказиш учун бор имкониятлардан янада самаралироқ фойдаланишга келишиб олинди.

Мафтуна ЁКУБОВА,
«Камолот» ЁИХ Фарғона вилояти кенгаши
матбуот хизмати етакчи мутахассиси

Обод юртим манзаралари

Xabar



Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида «Обод юртим» мавзусида расмлар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар кенгаши ўтказган ушбу танлов ўн кун давомида шаҳарча ҳудудида жойлашган барча умумтаълим мактабларида ташкил этилди. Танлов якунида эса саралаш босқичларида энг яхши деб баҳоланган ёш ижодкорлар турли мавзуларда ўз гоёлари асосида расмлар чизишди.

Танловда фаол иштирок этган, фахрли ўринларни қўлга киритган ёш расмлар «Камолот» ЁИХ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Энг намуналилар тақдирланди

Mehnat qilgan — aziz

Саноқли кунлардан кейин мамлакатимизда қутлуғ сана — Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма бир йиллиги кенг нишонланади. Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгазининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида Бош Қомусимизнинг яратилиш тарихи, унда жамланган ғоялар, мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар ҳақида батафсил маълумот берилди.



моаси касаба уюшмасининг фаолияти юқори баҳоланди.

Кўрик-танловда иккинчи ўрин «GM Uzbekistan» қўшма корхонасининг касаба уюшмаси жамоасига насиб этди. Салкам ўн минг автомобилсоз меҳнат қилаётган ушбу корхона мамлакат иқтисодиётининг таянч ишлаб чиқариш бўғинларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида ташкил этилган корхона ва унинг меҳнат жамоаси аъзо бўлган касаба уюшмасининг фаолияти ибратли ташкил этилган. Ходимлар учун яратилган шароитлар, имтиёзлар, ёш мутахассисларда касбга оид кўникмаларни шакллантиришда, малака оширишда қатор ижобий натижаларга эришилмоқда. Ишчи-ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда корхона касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти олиб борган ишларга ҳавас қилса, арзийди.

Учинчи ўрин «СамАвто» масъулияти чекланган жами-

ятининг касаба уюшмаси бошланғич ташкилотига насиб этди. Самарқанд шаҳридаги машинасозлик касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйган заводда ҳар йили битирувчилар учун иш ўринлари яратилади. Завод касаба уюшмасининг ташаббуси билан «Энг яхши мутахассис» танловини ўтказиш аъёнага айланган. Ходимларнинг уй-жой сотиб олиши, маиший шароитларини яхшилаб олишида касаба уюшмаси молиявий кўмак бермоқда.

Тадбирда металлургия ва машинасозлик тармоғига қарашли ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида тахсил олаётган иқтидорли ўқувчи ва талабаларга мўлжалланган стипендиялар ҳам топширилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов олган сурат.

Хозирда Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кенгашида икки юз йигирма тўққизта бошланғич касаба уюшма ташкилот мавжуд. Уларда саксон минг нафардан ортиқ касаба уюшма аъзолари меҳнат қилади. Ташкил этилганига йигирма йил тўлган мазкур ташкилот тармоқда ишлаб чиқариш негизини ташкил этувчи металлургия, машинасозлик, электротехника, автомобилсозлик ва авиасозлик соҳаларида фаолият кўрсатаётган йирик ташкилотларни бирлаштириб келмоқда. Корхоналар тасарруфидаги ўнта болалар оромгоҳида ҳар йили ёз мавсумида минглаб болалар мазмунли ҳордиқ чиқаради.

Касаба уюшма фаолларининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, бошланғич ташкилотлар олдига қўйилган вазифалар ва истиқболли режаларнинг бажарилишини ташкил этиш, уларнинг меҳнат сама-

радорлигини ошириш мақсадида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

— «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил этишдан мақсад касаба уюшмалари ҳаракатини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, меҳнатқашлар ўртасида касаба уюшмалари мавқеини оширишдир, — деди Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Акмал Умаралиев.

Тадбирда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ғолиб жамоаларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон металлургия комбинати тармоқдаги энг йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан биридир. Ўн бир минг киши меҳнат қилаётган жамоанинг фаолияти ҳақидаги тақдирот тадбир иштирокчиларига ҳавола этилди. Кўрик-танловда биринчи ўринга сазовор бўлган металлургиялар жа-

Anjuman

Сиз ҳаммиша эътибордасиз

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллиги муносабати билан «Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш доимий эътиборда» мавзуида уч кунлик семинар бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бошқаруви аъзолари, кўмита фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари ва 194 та туман-шаҳар хотин-қизлар кўмиталари расмлари иштирок этди.

Мамлакатимизда аёлни улуғлаш, уни эзгу ишларга йўналтириш, ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш имконини берди. Хусусан, хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган дастурлар натижасида жорий йил давомида 371 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг қарийб 90 фоизи хусусий секторлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган даврда тижорат банклари тадбиркор аёлларга 499,5 миллиард сўм микрокредит ажратди. Бу мамлакатимизда аёл-

ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган эзгу ишларга мисолдир.

Анжуманда тизим фаолиятини янада жонлантириш, унинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, давлат дастурлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни тизимли тарзда бажариш мақсадида куйи тузилма раҳбарларининг фаолиятини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

— Хотин-қизлар олдига турган вазифалар ва тизимнинг ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ўтказилаётган ушбу анжуманда аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилишда, уларни иш билан таъминлашда, бандлик масалаларини ҳал этишда, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, айниқса, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш доирасида қилиниши лозим бўлган ишлар режалари тузилди, — дейди анжуман иштирокчиси, Фарғона вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева. — Республикамиз

бўйича хотин-қизлар кўмиталарининг 43 мингдан зиёд бошланғич ташкилотлари фаолият юритади. Бугунги семинардан олган билимларимизни хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилотларига етказсак ва амалиётга татбиқ этсак, ҳамкорлигимиз, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради, деб ўйлайман.

Кўмита томонидан жорий йилда маҳаллалар ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг экологик маданиятини юксалтириш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлашга қаратилган олти мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида «Орас-та қизлар» тўғраги фаолиятининг кенг йўлга қўйилгани, таълим-тарбия ишини янада такомиллаштириш, қизларнинг тиббий-ҳуқуқий билиминини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш каби масалаларда олиб борилаётган кенг ислохотлар моҳиятини, хусусан, Бош Қомусимизда белгиланган аёл ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги эзгу ҳаракатларни янада кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман сўнгида ҳудудий кўмита раҳбарларига ишда зарур бўладиган услубий қўлланмалар тарқатилди.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



Буям бир одат-да

Австралиялик оила янги йилни рекорд натижа билан кутиб оладиган бўлди.

Мамлакат пойтахти Канберрада яшайдиган Ричардлар оиласи ўз уйини 502 минг 165 дона чироқча билан безатди. Қишки байрамлар учун ажойиб тарзда безатилган уй «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олди. Айти пайтда Ричардлар оиласининг уйига Австралиянинг турли жойларидан меҳмонлар келишмоқда. Улар оила соҳиблари Дэвид ва Жанинисга байрамона кайфият учун миннатдорлик билдиришди. Дарвоқе, чироқчаларнинг бир кунлик электр энергияси сарфи катта маблагни талаб этади. Маҳаллий электр энергияси компанияси Ричардлар оиласига ташаббус учун катта фоизда чегирма тақдим этди.

Халқаро ўқитувчилар

Буюк Британиялик ўқитувчилар уч гилдиракли мотороллерда дунё бўйлаб саёҳат қилишди ва йўлда учраган мамлакат болаларига дарс беришди.

28 ёшли Ричард Сирс ва Ник Хоф олган мотороллерида Осиё, Африка ва Жанубий Америкада бўлиб, тахминан 37,5 минг километр йўл босди. Ажойиб ташаббуслари туфайли «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ҳам ўрин эгаллашди. Асосий мақсади таълим бериш бўлган ўқитувчилар 37 мамлакатда бўлдилар. Айти дамда улар Перуда. Қизиқувчилар учун айтиш керакки, уларнинг мотороллери соатига 54 километр тезликкача юра олади.

Бу билан айбини ювомайди

Хитойнинг Хунань провинциясида «Apple» смартфонини ўғирлаган ўғри ўзича инсоф қилган бўлди.

Телефоннинг собиқ эгасига телефондаги рақамлар рўйхатини юборди. Маълум қилишларича, Цзоу Бин исмли телефон эгаси таксида ўғри билан ёнма-ён ўтириб қолади. Ўғри машинадан тушиб қолганидан сўнг Цзоу уяли телефони йўқолганини билади ва дарҳол ўғридан телефонидаги маълумотларни ўчирмасликни сўраб, ўз рақамига SMS юборади. Орадан икки кун ўтиб, Цзоунинг уйига телефон рақамлари ёзилган ўн бир варақли хат келади. Унинг уй манзилини ўғри қандай топгани ҳозирча номаълум.

Аскар аёллар

Германия мудофаа вазирлиги мамлакат қуроли кучлари сафига ўн минг аёл жалб қилинишини маълум қилди.

Мудофаа вазири Томас де Мезьер фикрига кўра, бунинг армия ривожини учун фойдаси катта бўлади. Эндиликда Германияда аёллар ҳарбий хизматнинг исталган турида фаолият юритишлари мумкин. Шунингдек, мамлакатда икки юз нафар генералдан биттаси аёлдир. У ҳам тиббий хизматда. Вазирнинг режасига кўра, келгусида 185 минг ҳарбийдан 28 минг нафари аёл бўлади. 2001 йилда Германияда аёлларга ҳарбий хизматда фаолият кўрсатишга рўхсат берилганидан буён ҳозирга қадар аёлларнинг улуши 9 фоизни ташкил этади.

Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 178-ихтисослашган умумтаълим мактабида фидойи, ўз касбининг устаси бўлган устозлар меҳнат қилишади. Мактабда ўқувчиларга ҳар томонлама пухта билим бериш билан бирга, уларнинг дарсдан бўш пайтларида спорт билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

СУРАТДА: Нигора Зокирова 8-«А» синфида «Конституциявий ҳуқуқ асослари» фанидан дарс ўтати.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ сурат лавҳаси



Ўзбек полвонлари

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича Гран-при мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси вакиллари битта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритдилар.

Турнирда қирқта мамлакатдан спортчилар қатнашди. Терма жамоамиз сафида ўн икки нафар дзюдочи иштирок этди. Мусобақада кумуш медалга Шарофиддин Лутфуллаев (60 килограммгача) эгалик қилган бўлса, бронза медалларга Мирали Шарипов (73 килограммгача), Яхё Имомов (81 килограммгача), Соиб Қурбонов (100 килограммгача) ва Болтабой Болтаев (100 килограммдан зиёд) сазовор бўлди.

Теннисда етакчи

Қозоғистон пойтахти Астанада теннис бўйича бўлиб ўтган турнирда ҳамюртларимиз Сабина Шарипова (яккалик) ва Албина Ҳабибулина (жуфтлик) голиб бўлдилар.

Яккалик баҳсларида 19 ёшли спортчимиз Сабина Шариповага тенг келадиган топилмади. У россиялик Алёна Тарасовани финалда 7:5, 6:0 ҳисобида мағлуб этди. Жуфтлик баҳсларида эса, словакиялик Шанталь Скамлева билан Албина Ҳабибулина дуэти Асия Даир (Қозоғистон) ва Иванка Карамлак (Россия) жуфтлигини 6:2, 6:3 ҳисобларида мағлуб этиб, турнир голиби бўлдилар.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» муҳбири

Виласизми? ХАВОДА БИР ДАҚИҚА

Болаликда ҳеч бўлмаса бир марта учувчи бўлишни орзу қилмаган киши кам бўлса керак. Кўкда парвоз қилиш инсониятнинг азалий орзуси эди. 1903 йилда бу орзу амалга ошди. Ака-ука Вилбур (1867-1912 йилларда яшаган) ва Орвил (1871-1948 йилларда яшаган) Райтлар ясаган аэроплан ҳавода бир секунд кам бир дақиқа парвоз қилди! Бу воқеа самолётсозлик ривожланишининг дебочаси бўлди.

Бугунги кунда ҳавода ўнлаб соат тўхтамай учадиган, минглаб километрларни босиб ўтадиган йирик ҳаво лайнерлари бор.

ХАР БИР ТИЛНИНГ ЎЗ ЖОЗИБАСИ БОР

Австралияда яшовчи баъзи қабилалар тилида бир, икки ва уч рақамлари мавжуд экан. Ундан ортиқ сонларни улар, масалан, икки ва икки, уч ва икки, икки, икки ва бир тарзида номлар эканлар. Бу борада инглиз тилини ўша тилга ўшатиш мумкин. Масалан, ўзбек тилида 1986 йилни бир минг тўққиз юз саксон олтинчи йил, деб айтсак, инглиз тилида у «ўн тўққиз, саксон олти» тарзида ифодаланади.

Ҳа, ҳар бир тилнинг ўз хусусияти ва жозибаси бор.

Ўлмасбек МАҲМАРАЙИМОВ
тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Ақл кўпга етказар,
Ҳунар — кўкка.

Ўзбек халқ мақоли

Табиат сабоғи

Куз. Ҳаво тез-тез ўзгариб турибди. Кеча анча совиб кетган ҳаво одамларни иссиқроқ кийишга ундаб, шошириб қўйди. Бугун эса кўёшнинг илиқ тафти елкангизни қиздиради.

Хув анави дарахтнинг барглари саноклигина қолибди. Шохлари қандайдир умид ва илинж ила боқаётгандек. Сахий кўёш ҳаловатини йўқотгандек бетоқат кўринади. Мағрур булутлар кўкда шошқалоқлик билан сузади. Саркаш шамолнинг тиқилинч қилишини айтмайсизми?! Ўзининг шўхлигини, бебошлигини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек дарахтларнинг охири япроқларини йўл-йўлакай узиб кетади. Бандидан ажраган барглар ўйноқлаганча ўзларини заминга отади. Яланғоч дарахтлар уятдан титраб, шамолнинг бу қилиғидан кўнгиллари оғрийдилар. Ҳар доимгидек бағрикенг, саховатли тупроқ хазонларни бағрига оларкан, озурда дарахтни баҳорда яна куртак-

лар, янги барглар, яхши ҳосиллар қуршаб олишига умидлантиради.

Тушдан сўнг ҳавонинг авзои яна ўзгаради. Осмонни булут қоплайди. Мағрур булутлар хокисор кўёшнинг илиқ нурларини писанд қилмай, ёмғир ёғдиради. Тупроқдан ажиб бўй таралади. Совуқдан жунжикмай, боғ четида ҳали-ҳануз ўз ифори, чиройини йўқотмаган бир туп атиргул устига ҳам ёмғир аёвсиз шигалайди. Аммо атиргул бундан заррача ҳам қилт этмайди. «Кузнинг совуқ кунларига, шамолларга бардошим етди. Сен нега бунча чиранасан, ёмғиржон? Сабримни синамоқчимисан, дейман. Аксинча, сен менинг ғуборларимни ювяпсан, мени эса атрофга янаям атримни сочгим



келяпти. Қара, ҳатто бирорта ҳам япроғим қилт этгани йўқ. Менга қолса, қахратон қишнинг изгиринига ҳам чидайвераман. Аммо куюнчак боғбоним ғамимни еб, мени совуқдан асраб тупроққа кўмиб қўяди-да», дейди гўё.

Табиат тарбиячимикан, деб

ўйлаб қоламан. Баъзида тупроқдан хокисорликни, бағрикенгликни, саховатни, шамоллардан бебош бўлмасликни, дарахтлардан андишани, ҳатто атиргулдан сабр-матонатни ўрганса бўларкан...

Майсара НАЗАРОВА

Бепарволик панд беради

Хонадонларимизда газ плиталаридан кенг фойдаланамиз.

Бироқ қанчалик фойдали бўлмасин, газдан фойдаланиш биздан шунча масъулият талаб этади.

Авалло, газ ускуналарининг созлигидан ҳамиша бохабар бўлинг. Газ ҳидини сезганда ҳеч қачон гугурт чақманг! Ускуналарда носозлик юзага келганда, труба ёки шлангга ёриқ ёки тешик пайдо бўлса, уни ўзингизча тузатишга уринманг

ва дарҳол мутахассисларга мурожаат қилинг. Болаларнинг газ плитасидан иложи борича узоқда бўлишларини назорат қилинг, уларнинг ўзлари ундан фойдаланишларига йўл қўйманг. Ёнғин хавфсизлиги борасида оилангизда ҳамиша ту-

шунтириш ишларини олиб боринг.

Бепарволик бир марта панд бермаслиги мумкин, лекин унинг қачон панд беришини билиб бўлмайди: исталган пайтда у сизга зарар етказиб қўйиши мумкинлигини унутманг.

Аскар КАРИМОВ,
20-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисм инспектори,
сержант